



Хурматли ота оналар, энди ибодат килиш масалаларини
фарзандларимизга
таълим берамиз, иншоаллох! Аллох яхши кўрадиган хамда рози
бўладиган барча
сўзлар ва феълларга ибодат дейилади. Аллох таоло Моида сурасининг
6-оятида
айтадики: Эй иймон келтирган кишилар, намозга турганингизда
юзларингизни
ювингиз. Кўлларингизни тирсаклари билан кўшиб ювингиз.
Бошларингизга масх
тортинг ва оёкларингизни тўпиклари билан кўшиб ювингиз!

Мана шу оят
 билан Аллох таоло мусулмонларга намоз ўкишлари учун taxorat
килишни фарз килди.

1. Савол: Болажоним, намоз ўкишдан олдин нима килиш керак?

Жавоб: Taxorat килиш керак.

2. Савол: Taxoratdan олдин нима килинади?

Жавоб: Агар хожатхонага бориш хожати бўлса, хожатидан бўшаб
бўлгач
аъзоларини тоза килиб ювади.

3. Савол: Болажоним, бу ювишнинг оти
нима?

Жавоб: Бунга истинжо дейилади.



4. Савол: Кайси кўли билан ювади?

Жавоб: Чап кўли билан ювади. Чунки, ўнг кўли билан жинсий аъзосини ушлаш мумкин эмас.

5. Савол: Болажоним, хожатидан бўшагач сув топа олмаса нима килади?

Жавоб: Тош, кесак ё хожатхона когози билан тозаланади.

6. Савол: Хожатхонага кандай кириш керак?

Жавоб:

Чап оёк билан кириб, ўнг оёк билан чикиш керак.

7. Савол: Хожатхонага киришдан олдин кайси дуони ўкиш керак?

Жавоб: Пайгамбаримиз саллалоҳу алайҳи ва саллам хожатхонага киришларидан олдин бундай дуо килар эдилар:

Аллоҳумма инний аъзу бика минал хубси вал-хобааиси;

Маъноси: Эй

Аллоҳ, мен, эркак ва ургочи жинлардан Сенинг панохингни сўрайман.
Биз хам мана
шу дуони килиб кейин киришимиз керак.



8. Савол: Болажоним,
хожатхонадан чикишда нима дейилади?

Фуфронака дейилади. Маъноси: Эй
Аллоҳ мени кечиргин!

9. Савол: Болажоним, хожатига борганда кибла
томонга караб ўтирса бўладими?

Жавоб: Йўқ дадажон, кибла томонга караб
хам, оркасини килиб хам ўтириш мумкин эмас. Хожатга ўтирганда
кибла ё ўнг
томонида ёки чап томонида бўлиши керак.

Болажоним, Аллоҳ сени солих
кишилардан килсин!